



## Оҳангарон воҳаси айрим ҳудудларида ҳалқ оғзаки ижодиёти: ўлан жанрига бўлган қизиқиши.

Феруза Маматқулова,

Кўқон ДПИ,(PhD)

Дилҳаёт Сотиболдиев

Кўқон ДПИ, талаба

### Аннотация:

Ушбу макола ҳалқ оғзаки ижодида мавжуд ўлан жанри хусусида, ҳамда Оҳангарон воҳаси, Ангрен шаҳрига туташ қишлоқлардан тўпланган ўланлар мисолида ёритилган.

Калит сўзлар: ҳалқ оғзаки ижоди, ўлан, қўшиқ, қишлоқ, Курама.

### Абстрактный:

Данная статья посвящена жанру народных песен, а также на примере песен, собранных в деревнях близ города Ангrena Охангаронского оазиса.

Ключевые слова: фольклор, олан, песня, деревня, Курама.

### Abstract:

This article is focused on the genre of folk songs, as well as on the example of songs collected from the villages near the town of Angren, Ohangaron oasis.

Key words: folklore, olan, song, village, Kurama.

Ҳалқ ижодиётининг энг оммавий жанрларидан бири қўшиқлар бўлиб, улар традицион фольклорда ҳам, замонавий ижодда ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. [4, 5] Ўта миллий, тарихий бадиий-эстетик ҳодиса саналувчи қўшиқлар миллатнинг поэтик хотираси, билимлари қомуси, туганмас маънавий бойлиги сифатида жуда қадим замонлардан то ҳозиргacha яратилиб, куйланиб келинмоқда. Ҳалқ шеъриятининг қадимий, оммавий, анъанавий тури саналувчи қўшиқлар инсонга, инсониятга доимий ҳамроҳ бўлиб, унга маънавий



турмушда кўмакчи, хилма-хил маросимларнинг бетакрорлигини таъминловчи бадий қисми вазифасини ўтаб келмоқда. Халқ қўшиқларида инсоннинг руҳий олами, ички кечинмалари, турмушида содир бўлувчи кўнгилли ва кўнгилсиз воқеалар, ғамандух ёки шодлигу хуррамликлари, меҳнат мاشаққатлари, севги изтироблари хис-туйғулар орқали аниқ бадий образларда гавдалантирилади. [3, 71]

Халқимиз адабиётни, санъатни севади, халқ оғзаки ижоди намуналарини севади. Тўйлар, байрамлар, турли хил йиғинлар қўшиқларсиз, халқ ўйинларисиз, хусусан, маросим қўшиқларисиз ўтмайди. Фольклоршунос олимларимиз никоҳ тўйларининг биринчи босқичига ўлан ва лапар қўшиқлари мансублигини таъкидлайди. Ўлан жанри ўтмишда асосан, кўчманчи яrim кўчманчилик тарзида ҳаёт кечирадиган ўзбек уруғлари орасида кенг тарқалган бўлиб, қиз узатар оқшомидан бир ёки бир неча кун олдин қизнинг уйида ўтказиладиган “қиз оқшоми”, “қиз базми” деб номланадиган тантаналарда ижро этилган. Ўлан жанри шаҳар ва ўтроқ яшовчи аҳоли ўртасида учрамайди. [2, 54]

Биз ўлан жанри бўйича айрим маълумотларни Оҳангарон воҳаси, хусусан, Ангрен шаҳрига туташиб кетган Оппартак, Гўшсой каби қишлоқлар, Кўктерак маҳалласидан йиғилган материаллар билан изоҳлашга ҳаракат қиласиз.

Маълумки, ҳар ким ўланчи, қўшиқчи бўлавермайди, кўп қишлоқларда чечан ўланчилар бўлади. Масалан, Тошкент области Оҳангарон район Корабоғ қишлоқ Советида яшовчи Холжуман Умар ўғли жуда уста ўланчи бўлган. Умтой (Умидой) деган қиз унинг ҳарпдоши (тарафи) бўлиб, уларни Облиқ, Самарчук, Корабоғ, Гулбоғ, Очамайли каби ён атрофдаги қишлоқ тўйларига айтганлар. Улар қатнашган тўйлар жуда қизиган. Шунинг каби Наманган области Поп район Уйғур қишлоқ Совети Чоркесар қишлоғида яшовчи Тўйчи Юсуфов каби ўланчилар кўп бўлган. Ҳар жойда мана шундай ўланни кўп биладиган чечанлар бўлади. [1, 163] Оҳангарон воҳасидаги Ангрен шаҳри аҳолиси ҳам ўлан жанри



ихлосмандларидан бўлиб, шулар қаторида Ангреннинг машҳур ўланчиси Турдиали Пардаев ҳам бор ва бу инсон ота-боболаридан қолган Оҳангарон ўланларини ёйишга, ўланлар билан халқни янада қизиқтиришга қаттиқ ҳаракат қилган ва ҳаракат қилиб келмоқда. Ўлан якка ҳолда, йўлда борганда, ёлғиз қолганда, кўпчилик илтимоси билан ҳам айтилаверади. Мисол учун, Турдиали ака Пардаевнинг ушбу ўланини мисол қилиб келтиришимиз мумкин:

Юртимизнинг тиник бўлсун осмонлари

Кўшақариб завқлар туйсун инсонлари

Ортаверсин ўзбек элин имконлари

Истиқболга йўлдош бўлсун шараф-у шон

Саодатга ватан бўлсун Ўзбекистон!

Завол кўрмай эзгу бўлсин қўзғалган шаҳд

Бутун бўлсун бизга илоҳ йўллаган баҳт

Тўй берайлик, эл дуоси бу тилло тахт

Фарзанд кўриб тўй берайлик шул Ватанда

Даврон суриб шод юрайлик шул ватанда.

Юртимизнинг тиник бўлсун осмонлари,

Кўшақариб завқлар туйсун инсонлари

Орта берсин ўзбек элин имконлари

Истиқболга йўлдош бўлсун шараф-у шон

Саодатга ватан бўлсун Ўзбекистон.

Саодатга ватан бўлсун Ўзбекистон.

(Турдиали Пардаев, 1961- йил)

Турдиали ака Пардаев Ангрен шаҳрига туташ Оппартак қишлоғида яшайди ва бу қишлоқ ҳам алоҳида ўланга қизиққан аҳоли бўлиб, ота-



боболаридан қолган ўланларни ҳозиргача давом эттиришмоқда. Қишлоқ инсонлари қадимдан түйларда, йиғинларда ўлан айтишган. Ушбу ўланда Ватан куйланади. Туғилиб ўсган юртга бўлган муҳаббат куйланади. Ватан ҳақидаги орзу-умидлар куйланади.

Ўланнинг ўзига хос хусусияти, асосан, тўйга бориб ўланга қатнашилганда ва тарафма-тараф бўлиб айтилганида намоён бўлади. Демак, ўлан ҳам қўшиқнинг қадимий тури бўлиб, асосан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи аҳоли орасида кенг тарқалган. [1, 181] Маросим қўшиқлари таркибига кирувчи ўланлар, “ёр-ёр”лар ривожидаги дастлабки босқични ташкил этади. Ўланлар фақат тўйларда эмас, турли йиғин маросимларида ҳам айтилган. Ўлан айтиш кўпроқ кўчманчи чорвадорлар орасида кенроқ тарқалган бўлиб, улар тарафма-тараф айтишув сифатида қўлланган. [3, 143]

Йигит:

Вой Наврўз бўлиб баҳонада сирлашайлиқ

Гапларима рози бўлсанг, кел яқинроқ

Ха экки ёрти бир бутун бўб бирлашайлик.

Киз:

Ўлан айтиб тоғ-у тошдан изламагин,

Жавобини эштиб турсанг музламагин

Хўжалардинг қизига гап отиб қўйиб,

Сулувларди Тўйтепадан изламагин.

Йигит:

Кўп қизлардинг орасидан сойлаб кетай,

Вой отамди ҳам овзини мойлаб кетай,

Хўжа қизин бошқасига кўнгил човмас,

Майли десанг кўнглим сенга бойлаб кетай.



Қиз:

Хар кимсанинг ўз баҳори ёзи бўлса,  
Шу гапингга қани отам рози бўлса,  
Курамадан танлаганим сен бўлдингми?  
Танлаб-танлаб учраганим този бўлса.

Йигит:

Курамани товларини йўли тошли,  
Ҳаёлимди ўғирлаган қалам қошли,  
Шу қаламқош ишқида мен бўлдим сарсон  
Неча йилки саргардонман, қўзим ёшли.

Қиз:

Ўлан ўлан деганда ўлаверма  
Ўланнинг ўртасини бўлаверма,  
Ўланнинг ўртасини бўлаверсанг  
Шингириб олдимга келаберма.

(Кимёхон Қосимхонова 1977- йил, Турдиали Пардаев)

Ўланларнинг тематик доираси кенгdir. Уларда ишқда вафодорлик, ёр висолига муштоқлик мотивлари етакчилик қиласи. [3, 144] Ўланларда хазиломуз жиҳатлар етакчилик қиласи ва ўланда чекловлар бўмайди, яъниким, киши кўнглига келган сўзни ўлан баҳона тўкиб солади.

Кураманинг чўққисида қори бўлар,  
Мард йигитни юрагида ори бўлар  
Ўлан айтар бўлса агар тараф-тараф  
Қўлида соз дўмбираси, тори бўларе.



Чотқол, Қурама бизнинг овул, Ангрен бошида

Кизларини ўсмаси бордур қошида

Ўланди уч кун айтсам дам тортмайин

Ўтирасиз, қимирламай ёнбошимдае.

Чотқолсойнинг этагида шувоқ битар,

Тепкиланган хирмонини товуқ титар,

Енгаман деб ўзингга бино қўймае

Бизнинг ўлан тўрт кечага базўр етаре.

Бундай қараб далазорда пушта кўрдим

Ўтирганлар мардлигини тушда кўрдим

Соясида ухлаб қопсиз сассиқўтние

Чайналасиз маст туядей тушда кўрдиме.

Ангренни йўлидан дов деб чиқдим

Кўп одамли даврага дов деб чиқдим

Эрқаксанку оғагинам, ҳалоллаб юр

Писиллатмай ўлан айт соғ деб чиқдим ҳей.

Олти жигит ичида отинг турсин

Кўзачага сув қуйдим тиниб турсин

Чиндан суйиб чақирсанг мен борайине

Ёлғон билан чақирсанг апting қурсиней.

Яйловингди Ангрендан нари дийди

Сизни кўрган париларни зўри дийди

Ўзбегимда ўлан бор деб келиб эдик

Қиз ўланни йигитларга дори дийди ҳей.



Ўланда чорвачилик учун муҳим бўлган тоғ-тош, қир, сой, яйлов, юйлеки, қўй-қўзи, турли ўсимликлар, ов қуши ва сайроқи қушларнинг номлари кўп келади. Бу хусусият мазмуннинг бойишига, образнинг ёрқинлигига, қўшиқнинг таъсирчанлигига хизмат қиласди, чунки халқнинг турмуш, тирикчилик шароити, меҳнати кўз ўнгимизга келиб туради. [1, 162] Хусусан, ўланда ҳам, Курама, Чотқол, Ангрен, Чотқолсой каби жой номларини, сассиқўт каби ўсимлик турларидан моҳирона фойдаланилганини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга, халқ оммасидаги ишонч, эътиқод, орзу-армон, қайғу ва шодлик ўланга хос бир йўсинда акс эттирилади. [1, 162]

Ўланни, биз айтамиз, айтамиз

Ёзгини сақлаб қўйиб, қиши айтамиз

Овулга ўланчининг зўри келсае

Ўланни ўланчидан соз айтамиз.

Ўлан айтсан ўланчи дейди мени

Йўлда ётсан оч бўри ейди мени

Тонггача ўланни толмай айтсанов

Бошинг **егир** ўланчи дейди мени.

Из бўламиз деганда из бўламиз,

Мунчоқ тоқсак ойдайин қиз бўламиз

Танимасанг ўзимни таништирае

Ангреннинг ўланчиси биз бўламиз.

Гўштлисойинг сой экан ўрлаб келдим

Шамоли йўқ сой экан терлаб келдим

Мен билан айтишманг ой арptoшо

Беш юз ўлан қофозга мўллаб келдим.



(“Шош Илоқ маржонлари” фольклор жамоаси.)

Ўлан айтишдан мақсад кўпнинг кўнглини олиш, тўйни қизитиш, кўнгилдагиларни изҳор этиб, дунёнинг иссиқ-совуғи, аччиқ-чучуги билан ёшларни танишириш экан, тўйга келиб ўлан айтмасликнинг яхши эмаслиги айтилиб, ўланга хос турли-туман йўллар билан танқид қилинади. [1, 174]

Кўриб турганимиздек, ўлан халқимизнинг нодир хазинаси бўлиб, юртимизнинг кўплаб ҳудудларида ва ушбу мақолада баён этилган Оҳангарон воҳасида ҳам учрайди. Ушбу ўланларда туғилиб ўсган юртига муҳаббат, элига, халқига алқов каби хусусиятлар асосий вазифани бажарган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Музайяна Алавия “Ўзбек халқ маросим қўшиқлари”, Тошкент: Ўзбекистон “Фан” нашриёти, 1974. 162. 163. 174. 181
2. Рўзиева Ситора “Ўзбек халқ қўшиқларининг жанрий хусусиятлари”, академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация, Тошкент: 2018. 54
3. Сафаров Охунжон: “Ўзбек халқ оғзаки ижоди”. Тошкент: “Мусиқа” нашриёти, 2010. 71, 144, 1 43.
4. Совет даври халқ қўшиқлари. Тошкент, Faфур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. 5
5. Ўзбекистон тарихи телеканали, “Бир қишлоқ тарихи” кўрсатуви, 19.08.2022
6. Маҳаллий аҳоли вакиллари.